

“Микрокредитбанк” АТБ
Бошқарувининг
2022 йил “18” мартдаги
22-3-сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Бошқарув Раиси

О.Бутаев

(рўйхат рақами И-35/73

2022 йил 24 март)

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
мижозларини сегментларга ажратиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА

Тошкент – 2022



1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, “Марказий банкнинг тижорат банкларининг ички тартиб-қоидаларига қўйиладиган талаблари тўғрисида”ги (рўйхат рақами 916, 2000 йил 5 апрель), “Тижорат банкларининг банк хизматлари истеъмолчилари билан муносабатларини амалга оширишда фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) Низомлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки мижозларини сегментлаш бўйича йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) “Микрокредитбанк” АТБ (кейинги ўринларда – Банк) мижозларини (юридик/жисмоний шахслар/якка тартибдаги тадбиркорлар) сегментациялашнинг асосий мезонлари ва қоидаларини тартибга солади.

3. Банкнинг амалдаги ва янги жалб қилинган мижозларини қуйидаги мақсадларда сегментларга ажратади:

а) Банкда юқори сифатли бошқарув ҳисобини шакллантириш, шу жумладан, бизнес жараёнлари бюджетини шакллантириш ва бизнес йўналишларини тўғри баҳолаш;

б) Банк мижозларининг ҳар бир сегментининг эҳтиёжларига йўналтирилган банк маҳсулотлари ва хизматларини, шу жумладан маҳсулот ва хизматлар пакетларини ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш;

в) Банк мижозларига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш;

д) Банкнинг мижозлар сегментларини аниқлаштириш (чегаралар қўйиш);

е) Банкнинг мақсадли мижоз аудиториясини аниқлаш;

ф) сегментлар учун мақсадли таклифларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

г) сегмент рентабеллигига қараб хизмат кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш.

Мижозларни сегментлаш қуйидаги ҳолатларда ҳам ёрдам беради:

- бизнес стандартлар сифатини аниқ белгилаш;

- мижозларга узоқ муддатли хизмат кўрсатиш стандартларини яратиш;

- мижоз ва уларнинг эҳтиёжларини билиш, уларга нисбатан муносабатни ўзгартириш, шу жумладан, диверсификациялашган пакетлар орқали хизмат кўрсатиш;

- бизнесни ривожлантириш учун мижозларни тез ва ўзгарувчан тарифлар билан таъминлаш.

4. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар ва қисқартмалар қўлланилади:

АБАТ тизими – автоматлаштирилган банк ахборот тизими, яъни "iABS", "CRM" ва бошқа автоматлаштирилган банк ахборот тизимлари жамланмаси;

жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз – Банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний/юридик шахс, компаниялар гуруҳи ёки якка тартибдаги тадбиркор;

салоҳиятли жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз - жисмоний/юридик шахс, компаниялар гуруҳи ёки якка тартибдаги тадбиркор, ҳисобварақ очмасдан, банк билан алоқада бўлган (банкка ташриф буюрган, банкнинг бошқа мижозларига кредитлар бўйича гаров тақдим этган, кафил сифатида ёки банк мижози номидан иш кўрган ва ҳоказолар);

мижоз анкетаси – жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз, яъни салоҳиятли мижозлар томонидан мурожаат қилганда Банкнинг АБАТ тизимида мижоз тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш ва тўлдириш.

мижоз картаси – жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижозлар банкда ҳисобварағини очишда мижоз тўғрисидаги маълумотларни Банкнинг АБАТ тизимида тўлдириш.

сегмент коди – Банкнинг АБАТ тизимидаги мижозларни сегментлаш коди;

бизнес сегменти - ушбу йўриқномада тасдиқланган мезонларга мувофиқ мижозларнинг бир турдаги гуруҳлари (йиллик сотиш ҳажми, қарз миқдори, мулкчилик шакли ва бошқалар);

йиллик савдо ҳажми – мижозлар гуруҳининг / мижознинг даромади ва/ёки Банкдаги барча жорий ҳисобварақлари бўйича айланмалар миқдори (ички ўтказмалар ва молиявий ёрдам бундан мустасно);

йўналиш бошлиғи/куратори - Бошқарув раиси, Бошқарув раисининг ўринбосарлари, ваколатлар доирасида раҳбарлик қилувчи йўналиш бошлиқлари, айрим таркибий бўлинма раҳбарлари;

бўлим – Банкнинг барча операциялари бўйича жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижозларига хизмат кўрсатувчи Банк филиаллари / БХМнинг тегишли таркибий бўлими;

бўлимнинг масъул ходими - мижозлар билан музокаралар олиб бориш ва жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз картасини очиш ва тўлдириш учун ҳужжатларни тайёрлаш вазифалари юклатилган ходим;

бўлим бошлиғи - банкнинг жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижозларига хизмат кўрсатувчи таркибий бўлими раҳбари;

КБД масъул ходими - Банк АБАТ тизимида жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз мижозларнинг "Мижозларни сегментациялаш коди" майдонига ўзгартиришлар киритиш учун масъул бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишни ривожлантириш департаменти ходими;

мижозлар базасини ўзгартириш (режали ва режадан ташқари ресегментация) - режалаштирилган ва/ёки мониторинг ва таҳлил қилишни ўз ичига олувчи бизнес-жараёнида керак бўлганда, жисмоний шахс

мижоз / юридик шахс мижоз сегментация кодларини ўзгартириш режали тарзда камида ҳар чорақда амалга оширилади.

Шу билан бирга, режалаштирилган ресегментация ҳар чоракнинг биринчи ойи, биринчи декадасида ушбу Йўриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади;

муаммоли актив - бу "қониқарсиз", "шубҳали", "умидсиз" деб таснифланган (ёки таснифланиши керак бўлган) актив;

ваколатли орган – Банк уставида, шунингдек, бошқа ички ҳужжатларида белгиланган ваколатларга мувофиқ қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган Банк органи (Банк Кузатув кенгаши, Кузатув кенгаши қошидага қўмиталар, Банк Бошқаруви ва бошқа қўмиталари);

мижознинг умумий қарзи - жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижозларнинг барча банклардаги кредит бўйича қарзларининг қолдиғи суммаси, шу жумладан шартли мажбуриятлар бўйича қарз (кафолат, аккредитив ва бошқалар), ўзлаштирилиши лозим бўлган мавжуд сумма ва очиқ кредит шартномалари, шунингдек, сўралган кредит миқдорини ҳисобга олган ҳолда;

ўзаро алоқадор шахслар – молиявий жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган шахслар, яъни устав капиталида ҳар қандай улушга эга бўлган, ўз мол-мулкни гаровга қўядиган, кредит ва бошқа мажбуриятлар бўйича бир-бирига кафил бўлган ёки бўладиган мижозлар, шунингдек, раҳбарлари ўзаро аффилланган ташкилотлар;

Рискларни бошқариш бўлими ходими - мижозни маълум бир сегментга ажратишни асослилигини текширадиган, мижозни тегишли мижозлар гуруҳига қўшиш ёки олиб ташлаш жараёнини назорат қилишга масъул бўлган рискларни бошқариш бўлими ходими;

молия институтлари (МИ) - Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган банклар ва молия институтлари, норезидент халқаро молия ташкилотлари, шунингдек банклар билан қимматли қоғозларни олди-сотдиси бўйича операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар.

субсегмент - бу ўзига хос истеъмолчи салоҳияти ва хатти-ҳаракати билан ажралиб турадиган сегмент таркибидаги мижозлар тоифаси.

2-боб. Жисмоний шахсларнинг сегментацияси ва субсегментацияси

5. Жисмоний шахслар чакана бизнес сифатида қуйидагича таснифланади.

Жисмоний шахслар банкнинг мижози ва мижози бўлмаган шахслар бўлиши мумкин. Банкнинг мижози бўлмаган мижозлар, банк учун янги ва бозор учун янги, ҳеч қандай банкда ҳисобварағига эга бўлмаган бўлиши мумкин. Банкда маълум маълумотларга эга бўлган банкнинг мижози бўлмаган шахслар, уларни жалб қилиш ва мақсадли таклифлар базасига айланадиган банкнинг салоҳиятли мижозлари бўлиши мумкин. Банк тизимларида ушбу мижозларни "lead" ёки "contact" тоифаларидаги жисмоний шахс сифатида таснифлаш мумкин.

Даромад манбасига қараб, чакана бизнес - банк мижозлари иш ҳақи бўйича мижозларга, ходимларга ва ўз-ўзини банд қилган шахсларга бўлинади. Иш ҳақи бўйича мижозлар - номига иш ҳақи лойиҳаси бўйича карталар очилган ҳисобланади. Ўз-ўзини банд қилган шахслар – шартнома билан ишламайдиган, тадбиркор сифатида тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан даромад оладиган, банкда ҳисобварағига эга бўлган жисмоний шахслар.

Кредит (микроқарз) қарзининг мавжудлигига қараб, жисмоний шахс - банк мижозлари қарз олганлар (кредити бўлган) ва қарз олмаганлар (кредити бўлмаган) га бўлинади.

Фаолиятига кўра банк мижозлари фаол ва нофаолларга бўлинади. Фаол мижоз - охириги 6 (олти) ой ичида камида битта маҳсулотдан фойдаланган мижоз.

Жисмоний шахс мижозларини сегментациялаш учун банкнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланадиган ушбу Йўриқнома ва киритилган ўзгаришларга асосан миқдорий ва сифат мезонларидан фойдаланилади. Миқдорий мезонларнинг йўқлиги/етарли эмаслиги ва сифат мезонлари мавжуд бўлганда сегментация фақат сифат мезонлари асосида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг миқдорий мезонлари қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: барча ҳисобварақларидаги депозит қолдиқлар миқдори, ойлик даромади кўрсаткичи, шунингдек, банк хизматларидан фойдаланиш кўлами.

Бунда, мижоз белгиланган мезонларнинг энг юқориси мос келса, ўша тоифада таснифланиши лозим.

Жисмоний шахсларнинг сифат мезонлари субсегментга мос келадиган ижтимоий ҳолати ва хусусиятларини / ёки маълум бир маҳсулотларнинг мавжудлигини ўз ичига олади.

Жисмоний шахслар (чакана бизнес - ЧБ)			
Банкка муносабатига кўра	Мижоз	Мижоз эмас - салоҳиятли мижоз	
		Банк учун янги	Бозор учун янги
Мавжуд мижоз - Жисмоний шахс			
Даромад манбаига кўра	Ёлланма ишчи	Хусусий тадбиркор	Пенсионер
Банкда фаол ҳисобварағи мавжудлигига кўра	Иш ҳақига эга мижоз	Иш ҳақисиз мижоз	
Кредит қарздорлиги	Кредит мавжуд мижоз	Кредит мавжуд бўлмаган мижоз	

мавжудлигига кўра			
Фаоллигига кўра	Фаол	Нофаол	
Банкнинг иш берувчи сифатида иштирокига кўра	Ходим	Ходим эмас	
Даромад даражасига кўра			
Оддий тоифа	Ўрта тоифа	Юқори тоифа	VIP
Махсус - ёшига кўра (30 ёшгача)			
Маълум турдаги банк хизматларидан фойдаланаётганлиги бўйича			
Оддий тоифа	Ўрта тоифа	Юқори тоифа	VIP

3-боб. Юридик шахсларнинг сегментацияси:

6. Корпоратив бизнес (кейинги ўринларда - **КБ**) ва микро ва кичик бизнес (кейинги ўринларда – **МКБ**) мижозларини сегментлашда қуйидаги мезонлар қўлланилади: молиявий ҳисоботлар бўйича йиллик сотиш ҳажми ва/ёки барча ҳисоб-китоб ҳисобварақлари бўйича айланмалар (ички ўтказмалар ва молиявий ёрдамдан ташқари), мижознинг барча банклар олдидаги қарзлари миқдори ва ташкилий ҳуқуқий шакли бўлиб, қуйидагича тақсимланади:

6.1. Қуйидаги сегментлар **КБ** субсегментлари ҳисобланади:

а) корпоратив бизнес субсегменти:

- сегментация санасидан олдинги бир йил ичида йиллик сотув ҳажми (ҳисобварағи айланмаси) **15 млрд.сўм** ва ундан ортиқ бўлган мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи;

- йиллик савдо тушуми ёки ҳисобварағи айланмасидан қатъий назар давлат улушига эга корхоналар, акциядорлик жамиятлари ва улар билан боғлиқ мижозлар гуруҳи;

- юқоридаги икки гуруҳга кирмаган, сегментация санасида банклар олдидаги барча қарзларининг суммаси **10 млрд.сўм** ва ундан юқори бўлган мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи;

- мулкчилик шакли ва йиллик сотиш ҳажмидан қатъий назар молиявий институтлар.

б) ўрта бизнес субсегменти:

- сегментация санасидан олдинги бир йил ичида йиллик сотув ҳажми (ҳисобварағи айланмаси) **5 млрд. сўмдан 15 млрд. сўмгача** бўлган мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи;

- сегментация санасига мижознинг банклар олдидаги барча қарзлари суммаси **10 млрд.сўмдан 3 млрд. сўмгача** мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи.

6.2. Қуйидаги мижозлар **МКБ** субъектлари ҳисобланади:

а) кичик бизнес субсегменти:

- сегментация санасидан олдинги бир йил ичида йиллик сотув ҳажми (ҳисобварағи айланмаси) **1 млрд. сўмдан 5 млрд. сўмгача** бўлган мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи;

- сегментация санасига мижознинг банклар олдидаги барча қарзлари суммаси **1 млрд.сўмдан 3 млрд. сўмгача** мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи.

б) микро бизнес субъектлари ҳисобланади:

- сегментация санасидан олдинги бир йил ичида йиллик сотув ҳажми (ҳисобварағи айланмаси) **1 млрд. сўмгача** бўлган мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи;

- сегментация санасига мижознинг банклар олдидаги барча қарзлари суммаси **1 млрд.сўмгача** мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи.

Мижоз ҳисобварағи очилганда, мижоз сегментини аниқлайдиган омиллар номаълум бўлса, мижоз сегменти аниқланмагунга қадар дастлаб МКБ сегменти микробизнес субсегменти сифатида таснифланади.

Мижоз тақдим этадиган маълумотлари асосида мижозни қайта сегментлаш мумкин.

Бунда, сегментни ўзгартириш мижозга тегишли бўлган сегментга масъул бўлган таркибий бўлинма раҳбарларининг қарори билан **КБДга** юборилган хизмат ёзишмаси орқали белгиланган тартибда ўзгартириши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварағи айланмаси ва мавжуд кредитларидан қатъий назар фақатгина МКБ сегменти сифатида таснифланиши лозим.

4-боб. Банкнинг ахборот технологиялари тизимларида мижозларни сегментациялашнинг умумий методологияси.

7. Банкнинг масъул ходими томонидан мазкур Йўриқноманинг 1, 3, 4, 5, 6, 7,8-иловаларида акс эттирилган жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижозлари учун сегментация мезонларига мувофиқ мижознинг код сегментини аниқлайди ва АБАТ тизимидаги мижоз картасига бириктиради.

8. Банкнинг АБАТ тизимида анкета ва мижоз картасини очишда қуйидаги амалларни бажариш орқали сегмент кодини бериш мажбурий равишда амалга оширилади:

а) "iABS": "Қўшимча маълумотлар" ёрлиғи тўлдиришда "Мижозларни сегментациялаш коди" майдонида мавжуд каталогдан мазкур Йўриқноманинг иловаларига мувофиқ код танланиши лозим;

с) Мижоз картасини сақлагандан сўнг, фақат АБАТдаги жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз коди сегментини ўзгартириш учун масъул бўлган КБД ходими код сегментини тузатиш ҳуқуқига эга. Код сегментини ўзгартириш зарурати туғилганда, бўлимнинг масъул ходими мазкур Йўриқноманинг 10,11,12-бандларига мувофиқ эслатма юборади.

9. Жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижозининг Сегмент кодининг тузилиши қуйидагича:



а) биринчи белги сегментни билдиради (Корпоратив бизнес, микро ва кичик бизнес, чакана бизнес) - мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasи;

б) иккинчи белги субсегментни билдиради - ушбу Йўриқноманинг 3-илоvasи;

в) учинчи белги мулкчилик шаклини (якка тартибдаги, хусусий, қўшма, хорижий, давлат компаниялари ва бошқалар) билдиради - ушбу Йўриқноманинг 4-илоvasи;

д) тўртинчи белги қайси тармоққа мансублигини билдиради – ушбу Йўриқноманинг 5-илоvasи.

Код сегментига мисоллар:

- йиллик даромади 16 млрд. сўм ва давлат улуши мавжуд хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи мижоз учун сегмент коди **110403** дан иборат бўлади;

- Ўзбекистондаги хорижий капитал иштирокидаги ҳамкор банк учун сегмент коди **410603** дан иборат бўлади;

- Жисмоний шахснинг активлари (талаб қилиб олингунча ва муддатли омонатлар) **5 млн.сўм** дан **30 млн.сўм** гача) бўлган сегмент коди – **330000**.

5-боб. Банк ҳисобварағи мавжуд бўлмаган мижозларни сегментлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

10. Банкнинг барча мижозлар базасини (жорий ва салоҳиятли) сегментацияга ажратиш учун банкда ҳисобварағига эга бўлмаган, лекин АБАТ тизимида мижоз профилига эга бўлган мижозларга ушбу йўриқноманинг 8-иловада кўрсатилган мезонларга мувофиқ сегментга ажратилади.

11. Жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижози сегментини ўзгартириш ушбу йўриқноманинг 9-илоvasига мувофиқ амалга оширилади.

12. Мижозларни сегментлашда уларнинг ҳисобварағи айланмаси ёки банклардаги барча мажбуриятлари каби мезонлардан қайси бири юқори сегмент тоифасига тегишли бўлса, мижоз ўша сегмент вакили сифатида таснифланиши лозим.

6-боб. Мижоз базасини мониторинг қилиш ва код сегментини ўзгартириш

13. Қуйидаги ҳолларда **КБДга** хизмат ёзишмаси орқали мижознинг сегментини ўзгартириш мумкин:

а) мижозлар базасини қайта сегментга ажратиш эҳтиёжи пайдо бўлганда;

б) мижозни битта сегментдаги кичик сегментлар ўртасида ўтказишда (тармоқ раҳбарининг розилиги билан);

в) Мижоз картасига код сегменти хато киритилганда;

д) тармоқ раҳбарининг қарори билан;

КСИУ

DOLO
ULMI

КСИУ

14. Мижозлар базасини ўзгартириш натижасида мижоз сегментини ўзгартириш, тармоқ раҳбарининг розилиги билан амалга оширилади. Шу билан бирга, хизмат ёзишмасида мижозлар базасини қайта сегментга ажратиш тўғрисидаги қарор илова қилиниши керак.

Тармоқ раҳбарининг хизмат ёзишмаси орқали тақдим этилган рўйхат (9-илова) ва белгиланган муддатда мувофиқ **КБД** томонидан мижоз сегментини ўзгартириш амалга оширилади.

Ресегментация тартибида хизмат ёзишмаси (9-илова) қабул қилувчи томон, ўтказувчи томон, шунингдек рискларни бошқариш бўйича ходим томонидан тасдиқланади.

Ресегментация қилинмайдиган мижозлар:

- муаммоли активларнинг мавжудлиги;
- КБ сегменти сифатида берилган кредитларга эга бўлиш.

7-боб. Якуний қоидалар

15. Мижозларга хизмат кўрсатиш уларнинг сегментларига мос тарзда амалга оширилади. Ушбу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, қўллаб-қувватлаш тегишли масъул таркибий бўлинмалари бизнес бўлинмаларига ёрдам беришлари лозим.

16. Мазкур Йўриқнома банк Бошқарув қарори билан тасдиқлангандан сўнг “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкида ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ рўйхатдан ўтказилиб, расмий эълон қилинган куннинг эртасидан эътиборан кучга киради.

Мазкур Йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш банк Бошқаруви қарорига асосан амалга оширилади.



“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
1-илова

Сегмент коднинг 1 - рақами

1 – рақам	Мазмуни
1	КБ - корпоратив бизнес
2	МКБ – микро ва кичик бизнес
3	ЧБ - чакана бизнес
4	МИ – молия институтлари

“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
2-илова

Корпоратив бизнес мижозлари рўйхати

Мижоз номи	Мижознинг хос (уникал) рақами	Сегмент коди



“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
3-илова

Юридик шахслар сегмент кодининг 2 – рақами

Субсегмент	Сегмент коди	Аниқлаш мезони	
		Йиллик тушум миқдори (ҳисобварағи айланмасы)	банклар олдидаги барча қарзлари суммасы
Корпоратив бизнес	11xxxx	15 млрд.сўм ва ундан ортиқ	10 млрд.сўм ва ундан юқори
Ўрта бизнес	12xxxx	5 млрд. сўмдан 15 млрд. сўмгача	3 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмгача
Кичик бизнес	21xxxx	1 млрд. сўмдан 5 млрд. сўмга	1 млрд. сўмдан 3 млрд. сўмгача
Микро бизнес	22xxxx	1 млрд. сўм ва ундан кам	1 млрд. сўм ва ундан кам

“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
4-илова

Сегмент коднинг 3 - рақами

3 – рақам	Мазмуни
00	Жисмоний шахс
01	Хусусий тадбиркор (Якка тартибдаги тадбиркор)
02	Масъулияти чекланган жамият, хусусий корхона, оилавий корхона, фермер ва деҳқон хўжаликлари
03	Хорижий ва қўшма корхоналар
04	Давлат корхонаси
05	Нодавлат нотижорат ташкилотлар
06	Банк бўлмаган номолиявий ташкилотлар
07	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати
08	Бошқалар

“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
5-илова

Сегмент коднинг 4 - рақами

4 – рақам	Мазмуни (фаолият йўналиши)
01	Саноат
02	Савдо ва умумий овқатланиш
03	Хизмат кўрсатиш
04	Қурилиш
05	Қишлоқ хўжалиги

“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
6-илова

Чакана бизнесни сегментларга ажратиш мезонлари

Сегмент	Сегмент коди	1-мезон (ўртача ойлик тушум)	2-мезон (барча депозитлари)	3-мезон (жорий маҳсулотларнинг мавжудлиги)	4-мезон (қўшимча мезонлар)
VIP	310XX X	20 млн.сўм ва ундан ортиқ	200 млн.сўм ва ундан ортиқ	Кўзда тутилмаган	Банк томонидан хизмат кўрсатилувчи ходимлари сони 100 нафардан ошувчи компаниялар бошқарувчилари ёки банк бошқаруви, филиал бошқарувчисининг асослантирилган тавсиясига эга мижозлар
Юқори тоифа	320XX X	10 млн.сўм дан 20 млн.сўм гача	30 млн.сўм дан 200 млн.сўм гача	Микрокредитбанкда иш ҳақи картасига эга бўлиши	Кўзда тутилмаган
Ўрта тоифа	330XX X	4 млн.сўм дан 10 млн.сўм гача	5 млн.сўм дан 30 млн.сўм гача	Кўзда тутилмаган	Кўзда тутилмаган
Оддий тоифа	340XX X	4 млн.сўм гача	5 млн.сўм гача	Кўзда тутилмаган	Кўзда тутилмаган



Махсу с - ёшига кўра (30 ёшгач а)	350XX X	Муҳока ма учун	Муҳокама учун	Сегментнинг актив МКБ мобайл иловасига эга карта пакети	Мижоз ёши 18- 30 ёш
---	------------	-------------------	------------------	---	------------------------

“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
7-илова

Молия институтлари бўлган мижозларни сегментлаш мезонлари

Сегмент коди	Субсегмент
41xxxx	Ўзбекистон Республикасининг Молия институтлари
42xxxx	Халқаро Молия институтлари

“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
8-илова

**Банкда ҳисобварақлари мавжуд бўлмаган (салоҳиятли мижоз)
мижозларни сегментлаш мезонлари**

Сегмент коди	Сегмент	Мезонлар
91xxxx	Банк мижози бўлмаган КБ мижоз	Мазкур йўриқнома шартларига мувофиқ корпоратив мижоз тоифасига кирувчи юридик шахс мижозлар
92xxxx	Банк мижози бўлмаган МКБ мижоз	91xx сегментига мос келмайдиган якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлган мижозлар
93xxxx	Банк мижози бўлмаган ЧБ мижоз	Банкда ҳисобварақ очмаган, лекин банк хизматларига қизиқиш билдириб, банк билан муносабатга киришган ҳолда рўйхатдан ўтган жисмоний шахс бўлган мижозлар (“Lead” мижоз)

“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича йўриқномага
9-илова

Сегмент кодини ўзгартириш бўйича тақдим этилаётган

МФО	Мижознинг хос (уникал) рақами	Мижоз номи	Янги сегмент коди (киритилиши лозим бўлган)	Амалдаги сегмент коди